

Ўргатишган



09:08 / 05.02.2022 2635

Бизга ёшлигимизда чекишнинг айб иш эканлигини ўргатишган эди. Аммо унинг зарарли эканлигини ўргатишмаган эди. Катта бўлиб чекадиган бўлдик.

Қизларимизга эркаклар билан гаплашмасликни ўргатишди. Аммо сабабини ўргатишмади. Қизларимиз улғайганда энг биринчи орзуси йигитлар билан танишиш бўлди.

Бизга ватанни «она» деб ўргатишди. Аммо ватан бизга нима тақдим қилганини айтишмади.

Бизга фақирликдан кўрқишни ўргатишди. Аммо фақирга шафқатли бўлишни ўргатишмади.

Шунинг учун бугунги хароблик тўсатдан келиб қолгани йўқ. У биз билан бирга катта бўлган!

Маҳмуд Дарвиш

Ватанида газ, электрдан мансабдорлар фойдаланиб туриб, қишда газ ва электр энергияси йўқлигидан ўтин сотиб олмоқчи бўлган, аммо сотиб олишга пули етмайдиган фақирга ватанпарварликдан гапиришга кўрқаман!

Абдулқодир Полвонов